

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАДЖИЕВ УМРБЕК ШОНАЗАРОВИЧ

**ЁШЛАРНИНГ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРҚОНА
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИМПЕРАТИВЛАРНИНГ ЎРНИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Хаджиев Умрбек Шоназарович

Ёшларнинг тафаккурини шакллантиришда шарқона маънавий-ахлоқий императивларнинг ўрни.....3

Хаджиев Умрбек Шоназарович

Место восточных духовно-этических императивов в формировании мышления молодежи.....23

Khadjiyev Umrбек Shonazarovich

The importance of oriental spiritual-ethical imperatives in forming the thought of the youth.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАДЖИЕВ УМРБЕК ШОНАЗАРОВИЧ

**ЁШЛАРНИНГ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРҚОНА
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИМПЕРАТИВЛАРНИНГ ЎРНИ**

09.00.04 - Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fal 173 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хажиева Максуда Султановна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хайдаров Хуррам Фармонович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Алиев Бекдавлат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.). Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона.) Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

И.Р.Хўжамуродов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

У.А. Маҳкамов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, (PhD)

Г.Т.Махмудова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тараққиёти глобал интеграцияни реал воқеликка айлантираётган бир пайтда, ёшларни маънавий-ахлоқий, ғоявий таъсир объектига, инсон руҳи ва онги учун олиб борилаётган курашнинг энг аҳамиятли нуқтасига айлантирди. Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий манфаатларга эга бўлган субъектларнинг ёшлар онги ва тафаккурини ўз мақсадларига мувофиқ равишда ўзгартиришга, уни манипуляция қилишга интилиши, йигит қизларга турли иқтисодий фаолият норма ва принципларини, сиёсий мафкура ва нуқтаи-назарларни, ижтимоий позицияларни, маънавий-ахлоқий қадриятларни сингдиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари анъанавий тус олмоқда. Шу муносабат билан ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантиришда шарқона маънавий-ахлоқий императивларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва илмий тадқиқот институтларида ёшларда тафаккурни шакллантириш, интеллектуал фаолиятни қарор топтириш, илмий-техник, креатив, композицион, танқидий тафаккурни ривожлантириш масалаларини таҳлил этишга қизиқиш кескин кучайди. Мазкур йўналишда, айниқса, ёшларнинг тафаккурини ривожлантиришнинг устувор усуллари ва шарт-шароитларини ифодаловчи механизмларни аниқлаш ҳамда жорий этиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли тафаккурни шакллантириш ва унинг илмий-техник тафаккур хусусиятларини ижтимоий-гуманитар фанларнинг тегишли категориялари асосида таҳлил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам маънавийлик, ахлоқийлик ва барқарорликни таъминлаш, ёшларнинг тафаккурини шакллантиришда шарқона маънавий-ахлоқий императивларнинг ўрни катта бўлиб, унинг назарий ва праксиологик жиҳатларини фалсафий категориялар асосида тадқиқ этиш замонавий илм-фан олдида турган муҳим масаладир.

“Мамлакатимизда ёшларнинг тафаккури ва ақлий салоҳиятини руёбга чиқариш учун зарур имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Инновация - келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”¹. Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар таркибида, жумладан, ёшларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш, таълим жараёнидаги фаоллигини юксалтириш, касбий фаолият учун зарур билим, кўникма, малака эгаллашини, муаммолар устида ишлашда мустақил ва ижодий ёндашувни таъминловчи инновацион тафаккурни ривожлантиришнинг механизмларини такомиллаштириш борасида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим масала ҳисобланади.

¹Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.– Б.19-20.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли ва 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли фармонлари, 2016 йил 29 декабрдаги “2017–2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли ва 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли қарорлари ижроси ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жамиятни инновацион ривожлантириш, илмий-техник тафаккур имкониятларидан фойдаланиш ва ёшларни илмий-техник изланишларга, кашфиётларга жалб этишнинг айрим масалаларини чет эллик олимлардан П.Бурдые, Л.Бестужев, Н.Винер, Н.Гильберт, А.Печчеи, М.Маклей, Ф.Капра, Р.Карнап, Т.Кун, Л.Мэмфорд, С.Моль, Г.Риккерт, Д.Робертсон, Б.Санто, Э.Тоффлер, Ж.Томсон, Г.Гиргинов, Р.Генон, Н.Гильберт каби тадқиқотчилар ўрганган.

МДҲ мамлакатлари олимлари С.И.Грушинин, Г.С.Гамидов, И.Н.Ефимова, А.В.Егоров, Т.Г.Иванова, Г.А.Краюхин, М.К.Мамардашвили, А.С.Майданов, В.А.Пешкова, А.И.Пригожин, Г.И.Рузавин, Н.В.Черепанова, Л.П.Свитич, А.В.Теркиналар мавзуга оид тадқиқотлар олиб боришган. Бу тадқиқотчилар ёшлар инновацион тафаккури ва унинг маънавий-ахлоқий императивлар билан боғлиқ масалаларга эмас, балки илмий, техник, бадиий ва эпистемологик ижоднинг ўзига хос белгиларини, инсон хатти-ҳаракатлари ва фаолиятида намоён бўлиш хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратадилар.

Ўзбекистонда илмий ижоднинг айрим илмий-фалсафий масалаларини М.Абдуллаева, В.Алимасов, Э.Бобомурадов, В.Г.Головонова, З.Давронов, И.Саифназаров, Б.Тўраев, Г.А.Никитченко, З.Қодирова, Б.Қосимов, Х.Шайхова, О.Мусурмонова, Н.Шермухаммедова, К.Туленова, А.Азизкулов, С.Аллаёрова, Э.Имамов, Д.Рахимова, П.Худайберганова, Ф.Каримов, Л.Перегутов, М.Саидов, Д.Аликулов каби олимлар ўрганганлар.

Жумладан, жамиятнинг инновацион тараққиёти, инновациянинг хусусиятлари ва ижтимоий моҳияти, инновацион шахснинг хусусиятлари,

инновацион фаолият ва инновацион жамиятнинг шаклланиши масалалари С.Норкулов, А.Бегматов; жамиятимиз тараққиётининг муҳим жараёнларига илм-фан ва янги технологияларнинг таъсири, уларнинг ўзаро алоқадорлиги И.Саифназаров, С.Мамашокиров, М.Абдуллаева, М.Нурматова; ёшларда янгича тафаккур тарзи ва дунёқарашни шакллантириш муаммолари К.Туленова, Ш.Мадаева, М.Қаҳҳорова; илмий ижод ва ижтимоий муносабатларга янгича ёндашув масалалари Н.Шермухаммедова, Р.Баҳодиров ва Э.Иззетовалар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, инновацияларнинг ҳуқуқий жиҳатлари А.Аҳмедовнинг, Ўзбекистонда модернизация шароитида ёшларда инновацион онг шаклланиши масалалари А.Эгамбердиевнинг тадқиқотларида таҳлил этилган¹.

Бироқ миллий тараққиётимизнинг янги босқичи илмий ва илмий-техник ижод, ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш масалаларига янгича талаблар, меъёрлар қўймоқда. Илмий-техник ижод билан маънавий-ахлоқий императивлар ўртасидаги боғлиқлик ва зиддиятлар масаласи шу вақтгача махсус фалсафий-илмий тадқиқ этилмаган. Ўзбекистон жадаллик билан инновацион ривожланишга киришиб, илмий-техник ва инновацион кашфиётлардан кенг фойдаланишга интилоқда, бундай шароитда ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш янада муҳим, долзарб масалага айланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “2016-2020 йилларга мўлжалланган Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёшларда тафаккурни шакллантиришда Шарқ маънавий-ахлоқий императивларининг ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тафаккурнинг инсонни барча соҳаларда бетакрор янгиликлар яратишга, креатив фаоллиги (яратувчи, ижодкор) ва интеллектуал салоҳиятини (ақлий, ижодий) рўёбга чиқаришга ундовчи хусусиятларини ёритиш;

тафаккурнинг ва маънавий-ахлоқий императивлар ўртасидаги диалектик боғлиқлик, уларнинг бир-биридан фарқли томонларини фалсафий таҳлил қилиш;

илмий-техник тафаккур ва инновациянинг замонавий маънавий-ахлоқий императивлар шаклланишига таъсирини асослаш;

Ўзбекистон ёшларида илмий-техник тафаккурни ривожлантириш ва глобаллашув шароитида маънавий-ахлоқий императивлар ҳамда ёшларнинг инновацион тафаккури истиқболларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини ёшларнинг тафаккури масалалари ташкил этади.

¹ Мазкур адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

Тадқиқотнинг предмети - шарқона маънавий-ахлоқий императивларнинг ўзига хос хусусиятларини фалсафий таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда ўзаро алоқадорлик, объективлик, тарихийлик, тизимлилик тамойиллари, анализ-синтез, тизимли таҳлил каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тафаккур инсонни барча соҳаларда бетакрор янгиликлар яратишга, креатив фаоллиги (яратувчи, ижодкор) ва интеллектуал салоҳиятини (ақлий, ижодий) рўёбга чиқаришга ундовчи воқелик экани илмий-фалсафий асосланган;

изланишлар билан маънавий-ахлоқий императивлар (илмий тафаккури кучли, идрок қилиш қобилиятига эга, ҳар бир кишига хос хислат) ўртасида диалектик боғлиқлик, унинг бир-биридан фарқли (билимдонлик, креатив фаоллик, ақлий билиш, илмийлик ролининг ошиб бориши) томонлари очиб берилган;

мамлакатимизнинг инновацион ривожланиши илмий-техник изланишларга қодир ёшларни тайёрлашнинг замонавий инновацион моделларини (рационалистик усул, тизимли таҳлил метод) яратиш зарурлиги асосланган;

маънавий-ахлоқий императивларнинг (юксак маънавий-ахлоқий кадриятлар) инсон ҳаётига гуманистик моҳият бахш этиш хусусияти илмий-техник янгилашларга халақит бермаслиги, яъни (тарбиявий ишлар ва илмий-техник изланишларни маънавий-ахлоқий талаблар билан уйғунлаштириш) бир томондан, маънавий-ахлоқий императивларнинг ижобий, иккинчи томондан, глобал интеграция талабларига мувофиқ инновацион ривожланишга эришишни таъминлашни тақозо этаётгани очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг илмий-техник тафаккурини босқичма-босқич шакллантириш ва ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

ёшларнинг инновацион фаоллигини ошириш билан маънавий-ахлоқий императивларни уйғунлаштириш борасида таълим-тарбия муассасалари учун зарур тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда илгари сурилган илмий ва ижтимоий фалсафий ғоялар, хулосалар навбатдаги тадқиқот ҳамда назарияларни янги ёндашувлар, назарий қарашлар, фикрлар билан бойитишда, илмий-техник

кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва уни амалиёт билан боғлашда муҳим роль ўйнайди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, илмий изланишлар натижаларидан олий техника ўқув юртлари, инновацион изланиш олиб бораётган илмий ва илмий тадқиқот марказлари, болалар ва ўсмирлар ижод уйлари, “Ёшлар-келажагимиз” давлат дастури бўйича ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг амалий фаолиятида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантиришда шарқона маънавий-ахлоқий императивларнинг ўрни борасидаги таклиф ва тавсиялар асосида:

тафаккур инсонни барча соҳаларда бетакрор янгиликлар яратишга, креатив фаоллиги (яратувчи, ижодкор) ва интеллектуал салоҳиятини (ақлий, ижодий) рўёбга чиқаришга ундовчи воқелик эканилигига оид хулосалардан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2019 йилдаги иш режаси “Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ролини ошириш, стартап ва ғояларини қўллаб-қувватлаш” йўналишининг 4.3-бандида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2019 йил 9 сентябрдаги 3-814-сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар ёш авлод дунёқарашини кенгайтиришга, инновацион тафаккур ва креатив фикрлашни ривожлантиришга хизмат қилган;

изланишлар билан маънавий-ахлоқий императивлар (илмий тафаккури кучли, идрок қилиш қобилиятига эга, ҳар бир кишига хос хислат) ўртасида диалектик боғлиқлик, унинг бир-биридан фарқли (билимдонлик, креатив фаоллик, ақлий билиш, илмийлик ролининг ошиб бориши) томонларига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йилнинг иккинчи ярим йиллигидаги фаолиятини амалга ошириш тадбирлар дастури ҳамда вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасаларининг 2019 йилга мўлжалланган иш режасида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 27 сентябрдаги 01-12-14-4873-сонли маълумотномаси). Мазкур амалий таклифлар ва методологик тавсиялар мамлакатимиз ёшларининг инновацион тафаккури ҳамда ижтимоий креатив фаоллигини оширишга хизмат қилган;

мамлакатимизнинг инновацион ривожланиши илмий-техник изланишларга кодир ёшларни тайёрлашнинг замонавий инновацион моделларини (рационалистик усул, тизимли таҳлил метод) яратиш зарурлигига оид илмий-амалий методологик ғоялар ҳамда таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O`zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририятининг “Ўзбекистон ёшлари”, “Таълим ва тараққиёт” дастурлари

(2019 йил март-июнь ойларида) сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 22 августдаги 04-25-1724-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши юзасидан берилган назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ёшларнинг ҳар томонлама етук, инновацион ва илмий-техник тафаккури, креатив фаоллиги ҳамда кенг дунёқараши шаклланишига хизмат қилган;

маънавий-ахлоқий императивларнинг (юксак маънавий-ахлоқий кадриятлар) инсон ҳаётига гуманистик моҳият бахш этиш хусусияти илмий-техник янгиланишларга халақит бермаслиги, яъни (тарбиявий ишлар ва илмий-техник изланишларни маънавий-ахлоқий талаблар билан уйғунлаштириш) бир томондан, маънавий-ахлоқий императивларнинг ижобий, иккинчи томондан, глобал интеграция талабларига мувофиқ инновацион ривожланишга эришишни таъминлашни тақозо этаётганига доир илмий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил иш режасининг “П. Маънавий-маърифий ишлар, миллатлараро тотувлик, спорт ва саломатлик” йўналишининг 8-бандида кўрсатилган ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган “Ёш китобхон” республика танловини ўтказиш ҳамда 11-бандида белгиланган ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва жойларда “Маърифат карвони” лойиҳасини ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 22 августдаги 04-13/3902 сонли маълумотномаси). Бу ёшларни мустақил фикрлашга, уларнинг ижтимоий фаоллиги ва иқтисодий-инновацион саводхонлигини оширишга, ёш авлод онгида Ватан тақдири учун дахлдорлик туйғусини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшадиган ёшлар бўлиб камол топишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 16 та илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилиб, ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (6 таси республика, 3 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўққизта мавзунини ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация бажарилаётган муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари,

объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда илмий-амалий аҳамияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Шарқ маънавий-ахлоқий императивлари - илмий-фалсафий тадқиқотлар объекти”** деб номланади. Ушбу бобда Шарқ маънавий-ахлоқий императивларининг имманент хусусиятлари, турли илмий-фалсафий адабиётлардаги талқинлари, ижтимоий борлиқда намоён бўлиши, халқнинг, миллатнинг тарихий, маданий ва маънавий парадигмасига айланиши масалалари тадқиқ қилинади. Мавжуд илмий талқинлар шуни кўрсатадики, Шарқ маънавий-ахлоқий императивлари шахс ва жамият, киши ва социум ўртасидаги муносабатларни маълум ижтимоий нормалар, тартиблар асосида олиб борилишини ифода этадиган воқеликдир. Улар узоқ асрлар давомидаги тарихий-маданий ривожланиш маҳсуллари. Шу боис, улар халқнинг, миллатнинг ижтимоий борлигини, имманент белгиларини, маданиятлар плурализмидаги ўрнини кўрсатадиган феноменлар ҳисобланади. Бобда маънавий-ахлоқий императивларнинг илмий тафаккур, инновацион изланишлар билан боғлиқ масалалари ўрганилади. Маънавий-ахлоқий императивлар билан инновациянинг турли, гоҳо бир-бирига зид келувчи воқеликлар экани очиб берилди. Бу зиддиятни бартараф этиш учун уларни сингармоник тарзда бир-бирига яқинлаштириш, уйғунлаштириш ҳақида мулоҳазалар билдирилади.

Бобда инновация воқелигининг айрим илмий ва ижтимоий-фалсафий масалалари тилга олинади. Инновация илмий янгиликлар олиб кириш, жорий этишга оид воқелик бўлиб, у маънавий изланишлардан айрича кечмайди, чунки маънавий тараққиётнинг объектив қонунлари янгиликка интилиб, ундан баҳраманд бўлиб яшашни тақозо этади. Инновация бу эҳтиёжни қондиради. Шунинг учун ишнинг бу қисмида Шарқ маънавий меросида илмий тафаккур масалалари очиб берилди. Бундай ёндашув икки вазифа учун зарур: биринчиси, фалсафий тадқиқотларда илмий тафаккур масалалари етарли ёритилмаган, шу боис миллий тараққиётимизнинг ҳозирги янги босқичида илмий кашфиётларга, мамлакатни модернизациялашга таъсир этувчи кадрлар, мутахассислар етишмаётгани кузатилади. Иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Инновацион тараққиётни таъминлаш” асосий вазифа қилиб қўйилмоқда, бу борада дадил изланишлар ўтказишга даъват этилмоқда, аммо инновацион тафаккурнинг илмий масалалари ҳамон атрофлича ўрганилгани йўқ. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги (2017 йил 29 ноябрь) Фармони ана шу бўшлиқни тўлдиришга, инновацион тафаккур эгаларини дадил изланишлар олиб боришга чорламоқда.

Шарқ халқларида маънавий-ахлоқий талабларнинг, қонунларнинг шаклланиши ўз тарихи ва имманент хусусиятларига эга. Унда бетакрор хинд фалсафасининг асослари бўлган ведалар, упанишадлар ва буддавийликдан тортиб то Хитой космологияси, даосизм, конфуцийлик, ислом тафаккури,

тасаввуфий миститицизм ва XX аср Ўрта Осиё мутафаккирларининг маънавий-маърифий қарашларигача мужассам. Масалан, Конфуцийлик таълимотидаги инсон ва жамият, шахс ва давлат муносабатларига оид фикрлар хануз ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки уларга замонавий таълимот тарбия, илм мурожаат этмоқда. Конфуций эволюцион тараққиёт тарафдори бўлган. Унинг историцизми, яъни ўтмишга мурожаат этиши, ажодлар қолдирган урф-одатларни сақлаш ва тиклашга интилиши эволюцион тараққиётга хосликдан дарак беради. “Урф-одатларсиз, - дейди Конфуций, эҳтиром безовталиққа, урф-одатларсиз дадиллик ғалаёнга, урф-одатларсиз тўғрилиқ дағалликка олиб келади. Мен ўтмишга ишонаман ва уни севаман”¹. Мазкур концепция “Шарқ традиционализми” сифатида барча ижтимоий муносабатларда, маънавий-ахлоқий қарашлар ва тажрибаларда борлиқнинг объектив талаби, қонуни, императиви тарзида келади. Бирорта шарқона таълимот, маънавий-ахлоқий идеаллар уларга қарши чиқмайди, балки анъаналарни, традиционализмни ижтимоий ва маънавий тараққиёт шартли, деб билади.

Шарқ маънавий меросини “Авесто”дан бошлаб ўрганиш бугун анъанага айланган. Ҳақиқатан ҳам, “Авесто” нафақат оташпарастларнинг муқаддас китоби, шунингдек, у ўз даври кишиларининг оламга, табиий жараёнлар ва ҳодисаларга, мамлакатларнинг жўғрофий белгиларига, инсоннинг билиш имкониятларига, хуллас, одам ва олам муносабатларига оид барча масалаларга тааллуқлидир. Ахура Мазда Зардўштга ўз номларини санаётиб дейди: “Яна бир ном Билгувчиликдир, Воқифликдир яна бир тарзим”². Мазда яна шундай дейди:” О, Спитама Зардўшт, билиб олгин ва идрок этгин, Садоқатли Заратуштра, Менинг ақлу билигим бирла “Энг эзгу дунё қандай пайдодур”, “Охирати унинг не бўлур”³. Кўриниб турибдики, Ахура Мазда Зардўштни оламнинг моҳиятини, яратилиш ва охирини билишга, англашга даъват этади. Билиш, Билгувчилик Ахура Мазданинг шарафли номларидан бири. У ўзининг ушбу фазилати билан оламни, мамлакатларни, мавжудотни яратганини куйлайди. Эзгуликни билгувчилиги туфайли яратганига ишора қилади.

Ахура Мазда “Ҳақиқат – энг олий неъмат”, дейди. Бу ҳақиқатни излаш илмий тафаккурнинг ҳам вазифаларидан биридир. Тўғри, ҳақиқатни икки маънода излаш мумкин: биринчиси, реал объектларни, ташқи оламга тааллуқли нарса ва ҳодисаларни, иккинчиси, киши ўзи ишонган, бор деб тасаввур этадиган, субъектив хусусиятга эга тушунчаларни излашдир. Шарқ маънавий илмий меросида уларнинг иккаласи ҳам учрайди. Масалан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Ал-Фарғоний, Алишер Навоий, Мирза Абдулқодир Бедил, Аҳмад Дониш, Абай ва XX аср маърифатпарварлари, жадидлар илмий тафаккурнинг объектив борлиқ, реал ҳаёт муаммоларини ўрганишга даъват этганлар. Улар инсоннинг ақлу идроки кучига ишонганлар, рационални қўллаб-қувватлаганлар. Зардўшт, Моний,

¹ Мудрецы Поднебесной. Симферополь, Реноме, 1998. -82 с.

² Авесто. Яшт китоби. М. Исоқов таржимаси. -Тошкент: Шарқ, 2001. -12 б.

³ Ўша асар. -14 б.

Имом ал-Бухорий, ат-Термизий ва тасаввуф алломалари теологик ва мистик тафаккур тарафдорлари эди. Тўғри, ушбу икки оқимни уйғунлаштирган Кубро ва Нақшбанддек мутафаккирлар ҳам бўлган. Ҳатто, Форобий ҳам оламни “марҳаматли ижодкор”, яъни худо яратган, деган фикрни билдиради.¹ Аммо, бу унинг объектив борлиқ қонунларини илмий, рационал билиш тарафдори бўлганини рад қилмайди. Унинг ушбу дуалистик ёндашуви қуйидаги фикрида акс этади: “Шунинг учун ҳам кунт билан кузатиб муҳокама қилгинки, токи бу руҳингни донолик, илм лаззатидан тоттиришга, ҳақиқатга муҳаббатингни қўзғотишга, амалларини ижобий йўналтира олишга сабаб бўлсин, чунки агар Худо истаса, шу йўл билан сен айрим яширин ва ўзинг учун бахт келтирувчи нарсаларни тушуниб олурсан”². Файласуфнинг кўпгина илмий фикрлари ижод қилишга, яратишга, касб-хунар орттиришга даъватлардан иборат. Илм олиш фазилати, ўрганишга мойиллик, Форобий назарида, “Туғма эмасдир, акс ҳолда унинг фикрий фазилатида мутлақо куч ва улуғлик бўлмас эди. Агар касб-хунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий мажбурият бўлиб қолар эди. Назарий ва буюк фикрий фазилат, улуғ туғма фазилат ва улуғ (касб хунар) фазилати одат, малака бўлиб қолган одамда бу фазилатлар иродани ҳосил қилишнинг ва одатга айлантиришнинг сабаби бўлади. Бундай одамлар чексиз ва жуда кучли табиат ва ирода эгаларидирлар”³. Амалий хусусиятга эга нарсаларни ўрганиш, касбни эгаллаш унчалик қийин эмас, аммо улардан назарий хулосалар чиқариш, янги ғояларни шакллантириш мураккаб гносеологик жараён дир. Ён-атрофимизга назар ташласак, кишилар машғул бўлаётган касб-корларнинг сон-саноғи йўқлигини кузатамиз, аммо барча ҳам ўз касбини такомиллаштириш, унга бирор янгилик, новация олиб кириш ҳақида бош қотиравермайди. Мавжуд воситалардан унумли фойдаланиш, шубҳасиз, ишчанликни, самарадорликни таъминлайди, аммо воситаларни янгилаш, уларни инновация, илмий-техник кашфиётлар талабларига мувофиқ такомиллаштириш ишчанлик ва самарадорликни яна ўн, юз ҳиссага ошириши мумкин.

Юқорида номлари тилга олинган мутафаккирларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари Шарқ маънавий-ахлоқий императивларининг шаклланишига катта ҳисса қўшган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инновация негизида ижтимоий борлиқни такомиллаштириш, Шарқ мутафаккирларининг ибораси билан айтганда, “идеал давлат”, “идеал жамият”, “жаннатий ҳаёт” барпо этиш мақсади ётади.

Тафаккур масаласи жадид боболаримизнинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Муҳаммадхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон каби жадидлар янгича таълим борасида

¹ Форобий, Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. -Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. -178 б.

² Ўша асар. -179 б.

³ Ўша асар. -184 б.

жонбозлик кўрсатишган. Улар илгари сурган энг муҳим ғоя, бевосита бизнинг мавзумизга ҳам тааллуқли, рус ва чет эллардаги маърифий тажрибаларни ўрганишга, миллий тараққиётга уларни татбиқ этишга даъват эди. “Жадид” сўзининг ўзи “янги” деган маънони англатади, демак, жадидликнинг ўзи халқимиз ва ўлкамиз учун инновация эди.

Ижодкор, инновацион техникани яратишга қодир ёшларни тайёрлаш янги педагогик технологияни, тарбия моделини тақозо этдики, бу масалани ҳал этмай туриб, илмий-техник кадрлар тайёрлаш инқирозларни янада чуқурлаштиришга сабаб бўлар эди. Бу борада Ғарб ибратли изланишлар ўтказди, глобал инқирозларни ўрганувчи илмий марказлар ва техник экспертизалар ўтказувчи муассасалар ташкил этди. 1945-2000 йилларда Европа давлатларида 400 га яқин глобал тарзда фикрловчи, олий маълумотли илмий-техник кадрлар тайёрлайдиган университет ва академиялар очилди. Илмий-техник кашфиётларни инсонийлаштириш, яъни инсоннинг туб мақсадларига мувофиқ келадиган кашфиётларни қўллаб-қувватлаш сиёсати амалга оширилди ¹.

Демак, илмий кашфиётлар маънавий-ахлоқий меъёрларга зид бўлмаслиги, “Ҳаётда ахлоқ манфаатга эмас, балки манфаат ахлоққа бўйсунishi лозим. Агар манфаат ахлоқдан устун деб қаралса, кишилар барчага аён бўлган оддий ҳақиқатни ҳам инкор этиш йўлига ўтиб оладилар. Одамзод орасида шундайлар бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Тарбиявий ишларнинг долзарблиги ҳам шундай сабаблар билан белгиланади”². Илмий-техник тафаккур, кашфиётлар маълум манфаатлар нуктаи назаридан амалга оширилиши кузатилади. Йирик меценатлар муайян илмий-техник ихтироларни қўллаб-қувватлаганларида ўзининг моддий имкониятларини кенгайтиришни кўзлайдилар. Бу интеллектуал дунёда кенг тарқалган анъанадир. Демак, инновацион кашфиётларнинг умуммаънавий-ахлоқий императивларга, талабларга зид келиш хавфи мавжуд. Меценатлар манфаатларининг умуммаънавий императивлар, талаблардан устун келиши жамиятдаги барқарорликка, иттифоқ ва адолат тамойилларига бир кунмас бир куни зид келади, бу ижтимоий ҳаётда безовталиқ уйғотмай қолмайди. Айнан шунинг учун ҳам Э.Юсупов тарбиявий ишларга урғу беради.

Лекин, тарбиявий ишлар илмий изланишларни маънавий-ахлоқий талаблар билан уйғунлаштиришнинг ягона самарали воситаси бўла олмайди. Тарбиявий ишлар ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маданий механизмлар билан ҳам мустаҳкамланиши зарур.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Ёшларнинг инновацион тафаккури ва унинг жамият ҳаётини модернизациялаштиришга таъсири”** деб номланади. Ушбу бобда, инновацион тафаккурнинг имманент хусусиятлари, фалсафий, умумий ва хусусий, амалий техник томонлари тадқиқ қилинади. Инновацион тафаккур ёшларни янгилик излашга, янгича фикрлаш ва янги технологик кашфиётларни ижтимоий ҳаётга олиб киришга қаратилган

¹ Зигуненко С.Н. Великие открытия -Москва: АСТ: Астрель: Транзиткнига, 2005.

² Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. -Тошкент: Университет, 1998. -81 б.

воқелик, ижодий фаолият тури экани очиб берилади. Бу тафаккур ижтимоий когнитив ўзгаришларга мойиллик, ёшлар онгидаги бирор нарсани яратиш, кашф этиш истаги кабиларда намоён бўлади. Бобда инновациянинг ёшлар ижодий креатив фаоллигининг инъикоси экани, бу фаоллик ёшларнинг жамиятда амалга оширилаётган инновацион ва модернизацион ўзгаришларда қатнашишида акс этиши масалалари муҳокама қилинади. Диссертацияда инновацион тафаккур “тафаккур” тушунчаси ёки тафаккур услубининг юқоридаги умумий хусусиятларини ўзида акс эттириши ҳақида ҳам фикр билдирилади. Аммо, у шунчаки оддий, кундалик тасаввур эмас, ҳатто объектларнинг бир макондан бошқа маконга ўтишида, силжишида кузатиладиган янгилик ҳам эмас, у ён-атрофни, муҳит ва ундаги тасаввурларни ўзгартиришга қаратилган ижодий муносабат ифодасидир. Масалан, стол устида чойнак ва иккита пиёла турибди. Чойнак ўнг қўл томонингизда, пиёлалар чап қўл томонингизда. Агар сиз пиёлалардан бирини ўнг қўлингиз томон силжитсангиз, олиб қўйсангиз предметларнинг макондаги ўрни ўзгаради, янги кўриниш юзага келади. Бу кўриниш олдинги кўринишга нисбатан янгиликдир. Бундай ўзгаришни, янгиликни инновация дейиш қийин. Обьектив нарсаларнинг, предметларнинг маконда силжиши, турар жойини ўзгартириши ҳали инновация эмас. Агар стол устидаги предметлар моҳиятига бирор ўзгартириш киритилса, бу инновация бўла олади. Масалан, чойнакнинг қопқоғи тушиб кетмаслиги учун унга “тилча” жорий этиш, пиёланинг бадий эстетик кўринишини янгилаш инновация бўлиши мумкин.

Инновация объектнинг моҳияти ва функциясини такомиллаштиришга, гўзаллаштиришга, замонавийлаштиришга қаратилган янгиликни жорий этишдир. Бу объект инсон онги, тасаввурлари, қарашлари ҳам бўлиши мумкин. “Инновацион тафаккур”, “инновацион онг”, “инновацион ғоя” ва “инновацион фикр” каби субъектив воқеликлар шулар жумласидан. Инновацион тафаккур - махсус фикрлаш туридир. Уни умумий, фалсафий тафаккур ва хусусий, илмий-техник тафаккур услубларига ажратиш мумкин.

Ижодий фаолиятнинг “эктаз” (А.Г.Маслоу), интравертив хусусияти “мен” ва “биз” манфаатларини ўрганишга ундайди. Ҳақиқий ижодкор ўз “мен”ини мутлақлаштиришга мойил бўлади, у фикрига қулоқ тутадиган ёки уни эшитадиган киши билан мулоқотга киришишни маъқул кўради. Ундаги бу интравертлик ижодий изланишлар учун муҳим бўлса-да, у, айниқса, илмий-техник ижод соҳасида “биз”, яъни ижтимоий манфаатлар билан ҳисоблашишга мажбур. Ядро қуролининг яратилиши инсоният бошига қандай офатлар келтириши мумкинлигини, бу эса илмий-техник изланишларда инсоният манфаатларини ҳисобга олмаслик натижаси эканини тасдиқлайди.

Бу ибратли мисол ҳар бир илмий-техник кашфиёт учун муҳим тамойилдир. Масалан, интернетни олайлик, у инсон ақлу идрокининг юксак маҳсули, ҳар бир кишининг жаҳонда бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдириш, турли билимларини ошириш имконидир. Аммо у деструктив,

тажовузкор қўлларга тушганида, ёвуз, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Шундай экан, инновацион тафаккурда “мен” ва “биз” масаласи беҳуда қўйилмаётганини англаймиз.

Ўзбекистонда ҳар йили ижтимоий муносабатларда фаол қатнашишга тайёр, ўз мустақил ҳаёт йўлини бошлаётган, ярим миллиондан зиёд ёшлар мактабни битиради. 450 мингдан зиёд олий ва ўрта махсус билимли ёшлар турли соҳаларда ўзини, билими ва кўникмаларини кўрсатишга тайёр. Инновацион ўзгаришлар, илмий кашфиётларни жорий этиш янги иш жойлари яратишга олиб келмайди, балки ишчи ўринларини тежайди. Мазкур зиддиятни илмий-техник янгиликлар билан ҳал этиш қийин. Инсон фаолиятининг барча соҳаларини, қўл меҳнатини автоматлаштириб, инновацион кашфиётлар билан алмаштириб бўлмайди. Демак, жамиятда қўл меҳнатига бўлган эҳтиёж сақланиб қолади.

Маънавий-ахлоқий императивлар, моҳиятига кўра, аجدодларимиз яратган, улардан мерос бўлиб келаётган, халқимиз ва миллатимиз менталитети, турмуш тарзи, маданий ҳаётдан жой олган кадриятлар ҳисобланади. Уларнинг турли манфаат ва қизиқишлар билан боғлиқлиги маънавий-ахлоқий ҳаётда “мен” ва “биз” категорияларини шакллантирган. “Жамиятда асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келган маросимлар, анъаналар, урф-одатлар ҳам шахс билан жамоатчилик ўртасида бўладиган ахлоқий муносабатларнинг кўриниши ҳисобланади. Шуларга риоя қилиш асосида индивидуал “мен” билан коллектив “биз” ўртасидаги муносабатлар уйғунлашади”¹.

Инновацион тафаккур ижтимоий тараққиёт талабларидан озуқа олади, у “Ўзи-ўзи учун” эмас, балки жамият ривожини учун. “Биз”нинг илмий-техник ва янгиланишга эҳтиёжлари, А.Г.Маслоу таъкидлаганидек, “эго”дан воз кечишга олиб келади. Унинг негизида ижодий изланишларга буткул берилиш, бошқаларнинг фикрларини эътиборга олмаслик, фақат ижод дарди билан яшаш, “сиз ўз Эгонгизни кузатувчи ва ўз Эгонгизни сезувчи” каби икки субъектга ажралишингизни унутиш ётади¹. Бундай ҳолда “биз” ижодкор “мен”ини ўзига мутлақ ютиб юбормайдими, деган савол уйғониши мумкин. Ҳа, анъанавий жамиятларда шундай хавф катта. Бу хавфни ижодкор “мен”ини, унинг индивидуал изланишларга мойиллигини эътироф этган ҳолда, креатив фаоллигига ижтимоий йўналтирилганлик бахш этиш орқали камайтириш мумкин. Ижодкорнинг “мен”и жамиятнинг “биз”га антагонист эмас, пировард натижада, барча ихтиролар кишиликка қандай наф, фойда ва эзгуликлар бергани билан ўлчанади.

Инновацион тафаккурда ижодкор “мен”и бўлиши шарт. Ижодкорнинг ўз “мен”ини улуғлаши ёки унда эгоцентрик қарашларнинг учраши зарарли эмас. Бу унга ўзини бошқа ижодкорлардан, муҳитдан ажратишидан, янгилик излашга ўчлигидан келиб чиқадиган хислатдир. Агар биз инновацияни чин ижодий фаоллик тури сифатида тушунсак, “мен”ни қўллаб-қувватлашга,

¹ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари -Тошкент: Университет, 1998. -79 б.

¹ Маслоу Г.А. Дальние пределы человеческой психики. Спб.:Изд. гр. Евразия, 1997. -77 с.

ундаги инжиқлик ва манманликка чидашга мажбурмиз. Агар инновацияни биз четдан келтирилган техник воситалар ва иш усулларини жорий этиш деб тушунсак, у ҳолда чин ижод, ижодкорнинг “мен”и, унинг ўжарликлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ушбу икки ёндашув ҳар доим инновацион изланишларни таъқиб қилиб юради, уларнинг ибтидоси эса ижодкор “мен”ига бориб тақалаверади. Мана, нима учун инновацион тафаккур ва изланишларга мойил ёш кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Уларнинг илмий-техник тафаккурида “мен” ва “биз” манфаатлари антигонистлар сифатида бўриб турмайди, лекин чин ижодкор, ихтирочи ўз “мен” ини унутмайди. “Мен” билан “биз” ўртасидаги диалектик боғлиқлик, гоҳо баҳс, илмий-техник ижодда, мудом кейингиси фойдасига ҳал бўлиб келган. Бундан нафақат жамият, социум, шунингдек, шахс, ижодкор ҳам ютган.

Диссертацияда, “креатив” тушунчаси ҳақида ҳам фикр юритилади. “Креатив” тушунчаси деганда яратиш, ижод қилиш назарда тутилади. Яратиш, ижод моҳиятан ижтимоий хусусиятга эга воқелик бўлса-да, ижод психологияси ва назариясига оид адабиётларда у хусусий, индивидуал психологик ҳодиса сифатида қаралади.

Илмий-техник тафаккур ва инновациянинг ёшларда замонавий маънавий-ахлоқий императивларнинг шаклланишига таъсирини қуйидагиларда кўриш мумкин:

интеллектга инсон камолотининг замонавий белгиси, кўрсаткичи деб қараётганида;

ижтимоий ҳаётни замонавий билим, илмий дунёқараш асосида модернизациялашга мойиллигида;

инновация ва модернизация ютуқларини юксак маънавий-ахлоқий кадриятлар нуқтаи назаридан баҳолаётганида;

илмий-техник кашфиётларни, технологик жараёнларни гуманизациялаштириш, инсонийлаштириш тарафдори сифатида фаолият юритаётганида;

дунёвий ва диний билимларни уйғунлаштириш асосида ўзининг маънавий руҳий оламини юксак идеаллар, ибратли тажриба ва замонавий альтрустик қарашлар билан бойитаётганида.

Интеллектни инсон камолотининг муҳим кўрсаткичи сифатида қараш Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино каби буюк аждодларимиз давридан бери мавжуд бўлса-да, фақат XX асрга келиб у инсоннинг алоҳида фазилати, илмий тафаккурнинг асоси ва мезони, ташқи оламни ўзгартириш кучига эга “қувват” (Форобий) сифатида эътироф этилди.

